

ЖАЛҚ СЎЗИ

Газета 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

26 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА. № 188 (439). 1992 йил Сوتувада эркин нархда

БУГУН ГАЗЕТАМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИХАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА. МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ ҚОНУНЛАРИ ҚОМУСИНИНГ ЯНАДА ТЎКИС-ТУГАЛ БЎЛИШИ ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УШБУ ЛОЙИХА МУҲОКАМАСИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



диокомпаниясининг мухбири Райнхорд Баумгартен (Германия), «Иомиури Симбун» газетасининг мухбири Масахидо Кумато (Япония), «Би-Би-Си» мухбири Крис Бауэр (Англия) ва бошқалар иштирок этишди.

Президент Ислам Каримов мухбирларга жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётган Ўзбекистоннинг бутунги ижтимоий-сиёсий аҳволи, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан амалга ошириладиган қатор ислохотлар ҳақида гапириб берди.

— Биз ўз фаолиятимизни фақат Урта Осиё жумҳуриятлари, ҳатто МДХ давлатлари доираси билан чекламоқчи эмасмиз, — деди суҳбат чоғида Ислам Каримов, — Ўзбекистон дунёдаги барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр. Энг муҳими, бизда иқтисодий, савдо, маданий алоқаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти суҳбат чоғида чет эл мухбирларининг Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доир бошқа қатор саволларига ҳам батафсил жавоб қайтарди.

СУРАТДА: қабул пайти тасвирланган.
Р. ҲАҒУРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 25 сентябрь кунини жаҳоннинг етакчи газета ва журналлари, телерадио компаниялари вакилларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мухбири Кристиан Десжён (Франция), «Зюддойчер Рундфунк» ра-

ИШБИЛАРМОНЛАР МАШВАРАТИ

25 сентябрь кунини Тошкентда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ишбилармонларининг семинар-кенгаши очилди. Уни Ўзбекистон ишбилармонлари уюшмаси, республикамиз давлат мол-мулкнинг боқариши ва хусусийлаштириш комитети, саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси, Россия қўшма ишбилармонлик иттифоқи ва Москва қўшма корхоналар уюшмаси ташкил этди.

Шу йилнинг қўламлиқда ишбилармонларнинг учрашувида Тошкентда мана шундай кенг қўламли семинар ўтказиб, унга Ўзбекистон ва Россия савдо-саноат ақлининг намояндаларини тақлиф этишга қарор қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ҳукуматлари бу тақлифни қўллаб-қувватладилар. Кўп йиллик ҳамкорликнинг минглаб ривожланиши билан боғлиқан шундай ишбилармонлар уюшмаси бўлиши мумкин эмас.

ни биргаликда ишлаш, янги бозор муносабатлари асосида рисоладагидек самарали ишлашни йўлга қўйиш ҳозирги учрашунинг мақсадидир. Машваратда ички мустақил республика Президент дивизионларининг етакчи ходимларининг, ҳукуматлар бошлиқларининг ўринбосерлари, халқ ноиблари, бизнесменлар иштирок этишмоқда.

Учрашунинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иқтисодий ислохот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш комитетининг раиси, республика ишбилармонлар уюшмасининг президенти Э. Ҳўжаев оқди.

Семинарнинг биринчи иш-кунида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари К. Н. Тулаганов маъруза қилди.

Шундан кейин қўшма ишбилармонлик иттифоқи бошқарувининг аъзоси, Москва қўшма корхоналар уюшмасининг бош директори В. Гутов машварат қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқиб, у ички мустақил республиканинг бозор иқтисодиёти нисбатан тезроқ ўтиши юзасидан биргаликда қилинадиган ҳаракатларнинг кенг дастурини учрашув қатнашчилари муҳокамага тақдим этди.

Семинарнинг дастури олти кунга мўлжалланган. Бу кунлар кўзгини ш билан ўзгариб кўриниб турибди. Учрашув қатнашчилари гуруҳини шанба ва яшанба кунлари давом эттиришни мўлжалламоқдалар.

[Э.А.]

Олий Кенгашнинг иқтисодий ислохот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Ишбилармонлар уюшмаси Президенти Э. Ҳўжаевдан ишбу анжуманининг мақсади ва вазифалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— РОССИЯ билан иқтисодий алоқалар кейинги вақтларда бироз бузилди, — деди Эркин Норматович. — Қўшни давлатдаги матълум ўзгаришлар бунга сабаб бўлди. Ҳўлбуки, Ўзбекистоннинг ҳамма корхоналари россиялик шериклари билан боғлиқ барча мажбуриятларини ба-жаряштилар. Бузилган алоқаларни тиклаш, уни янада барқарор ва манфаатли қилиш бугунги куннинг талабидир. Семинарда ҳам асосан ички давлат ва муаммони қандай қилиб амалда ҳал этиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилади.

ривожланишига жумҳуриятимизнинг чинакам иқтисодий татбиқини аниқлашнинг шундай қудратли давлат тузилмаларидан айри бўлиши мумкин эмас.

Учунги туркум хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалардан иборат. Биз бу борда аниқгина тажриба ортиртган россиялик шерикларимизнинг фирм-мулоҳазаваларини тинглашни истардик.

Ўз-ўзидан тушунарлики,

бозорини шакллантириш, банк ишларини такомиллаштириш масалалари киради. Семинар қатнашчилари рубль доирасига кирувчи мамлакатларнинг Банклараро уюшмасини тузиш масаласини муҳокама қилдилар.

КИНОАНЖУМАН ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁГА ТАНИТАЖАК

XI Тошкент халқаро кинофестивалининг очилишига икки ҳафтадан озоқроқ вақт қолди. Кино санъати усталарининг бу анжуманига тайёргарлик ишлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Фестивал ташкилот қўмитасининг жумҳурият бош вазирини Э. Самандаров раислигида ўтган навбатдаги мажлисида таъкидландики, жаҳон киномасторларининг ютуқларининг бўлажак ижодий кўриги муҳим маданий воқеага айланмоғи керак.

Ҳозирданок маълумки, анжуман кенг қўламли ўтади. Бугунги кунгача, эллика яқин мамлакат фестивалда иштирок этганини маълум қилди. Тошкент киноанжумани бош директори, Ўзбек миллий кинокомпанияси раҳбари Х. Ҳўраев иштирокчилар қаторида Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Корея, Малайзия, Сурия, Покистон, Туркия, Шри Ланка, Миср, Бурунди-Фасо, Марокаш, Куба, Мексика, Чили, Франция, Австралия

каби мамлакатларнинг киномасторларини тилга олди. Бир қатор халқаро жамоат ташкилотлари вакиллари келишди. Америка кино арбоблари Тошкент сафарига овланаётганлари ҳақида кўни кеча хабар келди. Фестивалга МДХ мамлакатлари вакиллари, Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондан, Санкт-Петербург, Москва, Екатеринбург кино марказларидан меҳмонлар ташириш буюришди. Анжуманда иштирок этиш истаси баён этилган хатлар ва



фильмлар ҳамон келиб турибди. Танлов ленталарини аниқлайдиган комиссия иш-ламоқда. Фестивал кунлари юзга яқин кинокартиналар намойиш этилади.

Ташкилий қўмита мажлисида XI ТХНФ ҳомийси бўлган маданият ва умуминсоний қадриятлар Халқ академияси масъул ходимлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанларнинг таъкидлашларига кўра фестивал қатнашчилари ва кўп сонли меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг илтифотини, самимийлиги меҳмондўстлигини ҳис этишлари, ўзлари учун тамомил янги мамлакат — мустақил Ўзбекистоннинг кашф этишлари учун зарур бўладиган ҳамма ишлар қилинапти. Тошкентда илгари ҳам бўлган республикамиз ҳаётидаги умидбахш ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўрадилар.

Кинофестивалининг ҳамма маршрутлари алоҳида диққат билан ишлаб чиқилмоқда. Қадрли меҳмонларни аэропортда Ўзбекистон маданият арбоблари гуллар билан кутиб оладилар. Кинофестивал фильм ижодкорлари бўлган артистлар, режиссёрлар, операторлар ва кинопродюсерлар ҳамда кинотомошабинларнинг яқиндан танишишлари ва дўстлашишлари учун

энг қўлай имкониятлар яратиб берилган анжумандир. Томошабинлар танили киноюлдузлари ташрифини сабр-сизлик ва иштиёқ билан қўмоқдалар, уларнинг орзулари рўёбга чиқадиган кунлар яқин.

Анжуманининг ҳамма қатнашчилари Самарқанд, Бухоро, Хива бўйлаб қўшма тарихий ёдгорликлар билан танишдилар, кинотеатрларда учрашувлар бўлиб ўтди.

Фильмлар намойиш этиладиган кезларда ҳар кун эрталаб анжуман вакили бўлган журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказиб турилади. Зарур тиллар бўйича 140 нафар тилмоч хизматда бўлади. Тошкент кинофестивали жаҳон мамлакатлари бўйлаб қанчалик кенг ёритилса, шунчалик фойдалидир. Бу Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дунёга теэрқ танилишига хизмат қилади.

27 Сентябрь Хўжа Насриддин байрами

«КУЛГИ КУНЛАРИ»ГА МАРҲАМАТ!

Эшитмади деманглар, эчки гўшти еманглар... 27 сентябрда Насриддин Афандининг ватани Бухорода «Кулги кунлари» ўтказилган бўлди. Ўзбекистон Адиблар иттифоқи ва «Муштум» мажалласининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, қолаверса, миллий умуминсоний қадриятларимизни қайта тиклаш, халқ оғзаки ижодини янада ривожлантириш мақсадида ушбу тадбир амалга оширилмоқда. Пойтахтдаги ёзувчилар гўйсини Бухоро шаҳар ҳокимияти хушнудлик билан кутиб олганини содда ва доно бобомига хурмат-эҳтиром, деб тушуниш керак. Биз бу қизилқорни тадбирини ўтказишга бош-қош бўладиган шаҳар ҳокимининг муовини Мухтор Ғуломов билан суҳбатда бўлдик.



тўғиб келган дейишди. Сиз бунга қандай қарайсиз? — Мен бу фикрга тўғиб қўшилмайман. Ҳар қалай, бир вақтлар Хўжа Насриддин исмли инсон халқимизнинг дарду ғамини, шодлиғи қувончини ўз латифалари билан ифода этиб юрганлигига ишонаман. У ўзгандан кейингина унинг номидан латифалар тўқилган деса, тўғрироқ бўлади. Албатта, шахсий фикримни ҳеч кимга тиғиртирмакчи эмасман. Саволингизга билганимча жавоб бердим, холос.

— Гўё, Афанди пайло бўлган давралардан хасилару золимлар, татмағиру бетарфиқлар туриб кетишаркан. Халқимизнинг шундай буюк ҳимочини номи билан боғлаб ўтказилган тадбирга шаҳар ҳокимини қандай ҳисса қўшапти? — Бу тантанани кам-кўст-сиз ўтказиш мақсадида Бухоро шаҳар ҳокимининг қарори чиқди. Қарорда ана шу байрамни ҳар йили сентябрь ойининг учинчи яшанбасида ишониланинг аъза-нага айлантириш таъкидланган. Унинг ижобий ҳолиди. Чунки Хўжа Насриддин латифалари болаларимиз тарбиясига ҳам беқисс ёрдам беради. У инсонларни фақат яхшилик ва мардликка қорлайди. Уша кунни шахримиз марказида «Табассум» ва «Хандон» радиожурналларининг, аскиячилар ва ҳаққонларнинг, дорбоз ва масхарабо-ларнинг чиқишлари бўлади. «Муштум» мажалласи ва маҳаллий мусавирларнинг ҳақвий кўрғазмаси ташкил қилиниши кўпларни қизиқтирса керак. Вилоят бадийи

(Давоми 4-бетда).

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Кейинги пайтларда республикамиз Президентини ҳам, парламент ва ҳукумат ҳам ишбилармонлиқни ривожлантириш йўлида анча ишлар қилди. Биз ҳам кўринишдаги мулкчиликни ривожлантиришга жумҳуриятимизнинг чинакам иқтисодий татбиқини аниқлашнинг шундай қудратли давлат тузилмаларидан айри бўлиши мумкин эмас.

Шуни ҳам таъкидлашни истардикки, биз бўлажак семинардан кўп нарса кутмоқдамиз. Россия парламентарийлари, ҳукумат аъзолари ва танили ишбилармонларнинг катта гуруҳи ташириш буюриши кутилмоқда. Семинар қатнашчилари бохона, экспорт ва импорт божлари вакилининг муаммалари билан боғлиқ муаммаларни муҳокама қилдилар. Мухими шунки, бугунги кунда савдо-сотиқ моллари эркин ҳаракатда бўлмоғи керак. Ҳозир эса аҳвол шу даражага бориб етдики, айтайлик юк машинаси Самарқанддан Москвага йўл олган бўлса, уни Жйззах, Гулистон, Тошкент ва Қозоғистон шаҳарларида ҳам тўхташиб, ҳамёнини қоқаварадилар. Бундай шароитда кимнинг ҳам олди-сотти қилгиси келарди.

Учунги туркум хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалардан иборат. Биз бу борда аниқгина тажриба ортиртган россиялик шерикларимизнинг фирм-мулоҳазаваларини тинглашни истардик.

Ўз-ўзидан тушунарлики,

Ишбилармонлар уюшмасининг ташаббуси билан яқинда Тошкентда Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди. Шунинг натижасида минтақа ишбилармонлик тузиллигининг мувофиқлаштирувчи иқтисодий негачини тузилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов учрашув қатнашчиларини қабул қилди. Бу қабул минтақа ишбилармонларида катта таассурот қолдирди. Уларнинг фикрига кўра, ишбилармонлиқни ривожлантиришга шаҳсан Президентнинг ўзи шундай эътибор бераётган экан ишнинг муваффақиятига қатъий ишонмоқ керак.

— Демак, кўриб турибдики, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш борасида Ўзбекистонда аниқгина тажриба тўлган...

— Ўйлаймани, худди шунинг учун ҳам Россия ишбилармонлари билан уч-

ишбилармонлар имкониятдан фойдаланиб, ўзаро амалий мулоқот олиб бориш ва шартномалар тузишга ҳаракат қилдилар.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз бундай учрашувларни ўтказишнинг одатдаги шаклидан воз кечдик. Ҳеч қандай ҳаётат бўлмади, ҳар ким ўз фирмининг эркин баён эти олади. Шунини ҳам бори, ишбилармонлар дам ола туриб ҳам дурустгина ишлайдилар. Бу гап биринчи марта маданий дастурга катта эътибор берилди. Каттамушчилар кечурунлари бир шёв-ла чой устида амалий суҳбатлар кура оладилар, бир-бирлари билан яқинроқ танишдилар. Республиканинг машҳур санъаткорлари чиқишлари бўлади.

Мухокама этиладиган муаммоларнинг иккинчи туркумига солиқ солиш, солиқ идоралари ўртасида ўзаро муносабат, молия

айрибери қилмоқдалар. Масалан, Бразилия томон бизга галла беради. Туркиялик ишбилармонлар эса олган 1,5 миң тонна толеннинг завази Жйр-кўрғон ил-йиғирув фабрикасини қайта жиҳозлаб берадилар.

Ю. РЯЖЕНЦЕВ.

ТЕХРОНГА ТАШРИФ

Шу йил 26 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини Э. Абдуразақов расмий ташриф билан Эрон Ислам Республикасига жўнаб кетди.

ХАРИДОР КЎП

Яқинда Жйр-кўрғон пахта тозалаш заводи Бразилияга 4 миң тонна тола жўнади!

Ҳа, Сурхондарёнинг ипак пахтасига бугун жаҳон бозоринда харидор кўп. Энг муҳими, улар пахтаимизни биз та-лаб қилган молларга жон деб

айрибери қилмоқдалар. Масалан, Бразилия томон бизга галла беради. Туркиялик ишбилармонлар эса олган 1,5 миң тонна толеннинг завази Жйр-кўрғон ил-йиғирув фабрикасини қайта жиҳозлаб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING KONSTITUCIYASI

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва миллий мустақиллик го-ларига содиқлигини тантанали равишда эълон қи-либ, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак

масъулиятини англаган ҳолда, Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажри-басига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини тасдиқлаб,

халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қондаларини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт ке-чиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо

этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий иноқликни таъ-минлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I-БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда. Ўзбекистон суверен демократик рес-публика. Давлатнинг «Ўзе-бекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номла-ри бир маънони англатади.
2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қи-лади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъ-улдирлар.
3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлати идора этиш тизимини белгилайди, ички ва ташқи сийбати-ни амалга оширади.
Ўзбекистоннинг давлат че-

қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.
20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа

шахсларнинг, давлат ва жа-миятнинг қонуний манфаат-лари, қонуни ва эр-кинликларига путур етказ-масликлари шарт.

VI БОБ. FUҚAROЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг буткул ҳуду-дида ягона фуқаролик ўр-натилди.
Ўзбекистон Республика-сининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўл-ганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.
Қорақалпоғистон Респуб-ликасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Респуб-ликасининг фуқароси ҳи-سوبланади.
Фуқароликка эга бўлиш, уни сақлаб қолиш ва йўқо-тиш асослари ва тартиби қо-нун билан белгиланади.
22-модда. Ўзбекистон Рес-

рикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.
39-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизмат-дан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
40-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан ка-фолатланади.
Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.

X БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

41-модда. Давлат фуқаро-ларнинг Конституция ва қонуларда мустақамлан-ган ҳуқуқлари ва эркинлик-ларини таъминлайди.
42-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашма-

XV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

64-модда. Оммавий ахбо-рот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлай-ди. Улар ахборотнинг тўг-

рилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.
Цензурага йўл қўйилмай-ди.

ТўRTINЧИ БЎЛИМ

ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ

XVI БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

65-модда. Суверен Қора-қалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига кириди.
Қорақалпоғистон Респуб-ликасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофазат этила-ди.
66-модда. Қорақалпоғис-тон Республикаси ўз Кон-ституциясига эга.
Қорақалпоғистоннинг Кон-ституцияси Ўзбекистон Кон-ституциясига зид бўлиши мумкин эмас.
67-модда. Ўзбекистон қо-нунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.
68-модда. Қорақалпоғис-тон Республикасининг ҳу-дуди ва chegarалари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпо-ғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузили-

VII БОБ. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи. Ҳаётга суяқасд қи-лиш энг оғир жиноятдир.
Ҳеч ким қонунга асослан-маган ҳолда қамалниши ёки ҳибсга олиниши мумкин эмас.
25-модда. Жиноят содир этганидан айбланаётган ҳар бир шахс унинг айби қо-нуний тартибда, судда ош-қора кўриб чиқилиб, аниқ-ланмаганига қадар айбдор эмас деб ҳисобланади. Суд-да айбланаётган шахсга ўзи-ни ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб бери-лади.
Ҳеч ким қийноққа соли-ниши, зўравонликка, шаф-қатсиз ёки қадр-қимматини камситишга бошқа тарздаги муомалалар дучор этилиши мумкин эмас.
Ҳеч кимнинг устидан унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтқа-зилиши мумкин эмас.
26-модда. Ҳар ким ўз ша-хси ва обрўсига қийнган таъжовузолардан, шахсий ҳаёт-га аралашидан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.
Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартиб-дан ташқари бировнинг ту-рар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан ке-чириши, ёзишмалар ва теле-фонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас.
27-модда. Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароси Респуб-

XI БОБ. FUҚAROLARNING BURЧЛАРИ

44-модда. Барча фуқаро-лар Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фой-даланадилар ва бурчларини бажарадилар.
45-модда. Фуқаролар Кон-ституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.
46-модда. Фуқаролар Ўзе-бекистон халқларининг тари-хий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбур.
47-модда. Фуқаролар ат-роф табиий муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўли-шга мажбур.
48-модда. Фуқаролар қо-нун билан белгиланган со-лиқлар ва маҳаллий йиғим-ларни тўлашга мажбур.
49-модда. Ўзбекистон Рес-публикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаросининг бурчи.
Фуқаролар қонунда белги-ланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур.

Учинчи БЎЛИМ ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

50-модда. Ўзбекистон иқ-тисодий негизи — ижтимоий бозор ҳўжалиги бўлиб, унда иқтисодий фа-олият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги ис-теъмоцларнинг ҳуқуқи ус-тунлигини ҳисобга олиб кафолатланади. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, улар-нинг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофазаси, ҳалол рақобати ва ик-тимоий фойдали бўлиши таъминланади.
Мулк дахлсиздир ва мулк-дор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тар-тибдагина ўз мулкидан маҳ-рум этилиши мумкин.
51-модда. Мулкдор мулк-лари ўз хоҳишича эгаллик қи-лади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш эко-логик муҳитга зарар етказ-маслиги, фуқаролар, юри-дик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган ман-фаатларини бузмаслиги шарт.
52-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захиралар умумий-лик бойлиқдир, улардан оқо-лона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида-дир.
53-модда. Ўзбекистон Рес-публикасида қонунда белги-ланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касабга уюшма-лари, сийсий партиялар, олим-ларнинг жамиятлари, ёш-лар ташкилотлари, омма-вий ҳаракатлар ва фуқаро-ларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.
54-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўз-гартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг су-веренитети, ахллийлиги ва хафсизлигига, фуқаро-ларнинг конституциявий ҳу-қуқ ва эркинликларига қар-ши чиқувчи, урушчи, икти-моий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қи-лувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятга таъжовуз қи-лувчи, шунингдек ҳарбий-лаштирилган бирлашмалар-нинг, миллий ва диний руҳ-даги сийсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашма-ларининг тузилиши ва фао-лияти тақиқланади.
55-модда. Давлат жамо-ат бирлашмаларининг ҳу-қуқлари ва қонуний манфа-атларига риоя этилишини таъминлайди, уларга икти-моий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкони-ятлар яратиб беради.
Давлат органлари ва ман-сабдор шахсларнинг жамоат

II БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда. Халқ давлат ҳо-кимиятининг бирдан-бир ман-баидир.
Ўзбекистон Республикаси-да давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қо-нунлар вақолат берган идо-ралар томонидангина амалга оширилади.
Конституцияда назарда тутилмаган тартибда дав-лат ҳокимияти вақолатлари-ни олиш, ҳокимият идорала-ри фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимия-тининг янги ва мувоzij тар-кибларини тўзиш Конститу-цияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгар-ликка тортишга сабаб бўла-ди.
8-модда. Ўзбекистон хал-қини миллатидан қатъи на-зар, Ўзбекистон Респуб-ликасининг фуқаролари таш-кил этади.
9-модда. Давлат ва жамия-т ҳаётининг энг муҳим маса-лалари халқ мухокамасига таъдир этилади, умумий овозга (референдумга) кў-йилади. Референдум ўтқа-зиш тартиби қонун билан белгиланади.
10-модда. Ўзбекистон хал-қи номидан фақат у сайла-ган Республика Олий Маж-лиси ва Президенти иш кў-риши мумкин.
11-модда. Ўзбекистон Рес-публикаси давлат ҳокимия-тининг тизими ҳокимиятин қонун чиқарувчи, ижро этув-чи ва суд ҳокимиятига тақ-симланиш принципига асо-сланади.
12-модда. Ўзбекистон Рес-публикасида ижтимоий ҳаёт сийсий институтлар, мафку-ралар ва фикрларнинг хил-ма-хиллиги асосида ривож-ланади.
Ҳеч қайси мафкура, дин расмий давлат мафкураси, дини сийбатида ўрнатилиши мумкин эмас.
13-модда. Ўзбекистон Рес-публикасида демократия умуминсоний принципларга таянади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.
Демократик ҳуқуқ ва эр-кинликлар Конституция ва қонулар билан ҳимоя қи-ланади.
14-модда. Давлат ўз фа-олиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ик-тимоий адолат принциплари асосида амалга оширади.

III БОБ. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда. Ўзбекистон Рес-публикасида Конституция ва қонуларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.
Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаро-лар ўз фаолиятларида Конституция ва қонуларга амал қиладилар.
Ўзбекистон Республика-си халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нор-

VIII БОБ. СИЕСИЙ ҲУҚУҚЛАР

31-модда. Ўзбекистон Рес-публикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга-дирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демо-кратик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга ошири-лади.
32-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси қонуларига мувофиқ ми-нинглар, йиғилишлар ва на-моийлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳо-кимият органлари фақат хафсизлиги, нуқсон назар-дангина бундай тўхтатиш ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга. Бундай тўхтатиш ва тақи-қлаш устидан судга арз қи-линиши мумкин.
Мафий жамиятлар ва бирлашмалар тақиқланади.
33-модда. Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролари кас-саба уюшмаларига, сийсий партияларга ва бошқа жа-моат бирлашмаларига уо-шчи, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга-дирлар.
Сийсий партияларда, жа-моат бирлашмаларида, ом-мавий ҳаракатларда, шу-нингдек ҳокимиятнинг ва-киллик органларида му-лоқотчи очилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқ-лари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камси-тиши мумкин эмас.
34-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда вақолатли органларга, муассасаларга ёки халқ вакилига ёзма ра-вишда арз ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳу-қуқига эга.
Арзаалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белги-ланган тартибда ва муддат-ларда кўриб чиқилиши шарт.

IV БОБ. ТАШҚИ СИЕСАТ

17-модда. Ўзбекистон Рес-публикасининг халқаро муно-сабатларини тўла ҳуқуқий субъектлардир. Унинг ташқи сийсати давлатларнинг су-верен тенглиги, куч ишла-маслик ёки куч билан тақ-дир қилмаслик, чегаралар-нинг дахлсизлиги, инзо-ларнинг тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нор-

Иккинчи БЎЛИМ ИНСОН ВА FUҚAROLARNING АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА BURЧЛАРИ

V БОБ. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

18-модда. Барча фуқаро-лар бир хил ҳуқуқ ва эр-кинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий манса-дан қатъи назар, қонун ол-дида тенгдирлар.
Имтиёз ва афзалликлар фақат қонун билан белги-лаб қўйилган ҳамда икти-моий адолат принциплари-га мос бўлиши шарт.
19-модда. Ўзбекистон Рес-публикаси фуқароси ва дав-лат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурч-лари билан ўзаро боғлиқдир-лар. Фуқароларнинг Кон-ституция ва қонуларда му-стақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суёсиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб

IX БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТимоий ҲУҚУҚЛАР

35-модда. Ҳар бир шахс мулкка эгаллик қилиш ҳуқу-қига эга. Ванка қўйилган пуллар сир тутлиниши ва ме-рос қолдириш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.
36-модда. Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тар-тибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона ша-ронларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.
Суд ҳукми билан таъин-ланган ижазон ўташ тарти-бидан ёки қонунда кўрсати-лган бошқа ҳоллардан (ҳар-бий хизмат чоғида, фав-қулодда ҳолат шароитида ва ҳ. к.) ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.
37-модда. Барча ёлваниб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўлана-диган меҳнат таълининг му-ддатли қонун билан белги-ланади.
38-модда. Ҳар ким қари-ганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек бо-қувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутил-ган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.
Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори рас-ман белгилаб қўйилган ти-

XIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

53-модда. Ўзбекистон Рес-публикасида қонунда белги-ланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касабга уюшма-лари, сийсий партиялар, олим-ларнинг жамиятлари, ёш-лар ташкилотлари, омма-вий ҳаракатлар ва фуқаро-ларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.
54-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўз-гартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг су-веренитети, ахллийлиги ва хафсизлигига, фуқаро-ларнинг конституциявий ҳу-қуқ ва эркинликларига қар-ши чиқувчи, урушчи, икти-моий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қи-лувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятга таъжовуз қи-лувчи, шунингдек ҳарбий-лаштирилган бирлашмалар-нинг, миллий ва диний руҳ-даги сийсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашма-ларининг тузилиши ва фао-лияти тақиқланади.
55-модда. Давлат жамо-ат бирлашмаларининг ҳу-қуқлари ва қонуний манфа-атларига риоя этилишини таъминлайди, уларга икти-моий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкони-ятлар яратиб беради.
Давлат органлари ва ман-сабдор шахсларнинг жамоат

XVII БОБ. МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ

71-модда. Ўзбекистон Рес-публикаси вилоятлар, ту-манлар, шаҳарлар, шаҳар-чеклар, қишлоқлар, шунинг-дек Қорақалпоғистон Рес-публикасида иборат.
72-модда. Қорақалпоғис-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

9) Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органла-рига сайлов ташкили учун Ўз-бекистон Республикаси Олий Мажлисининг розили-ги талаб қилинади.
10) Конституциявий муҳ-лат этили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов қилиш тартиби;
11) Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбо-сарларини сайлаш;
12) Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституциявий судини сайлаш;
13) Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Судини сайлаш;
14) Ўзбекистон Респуб-ликасининг Олий ҳўжалик суди-ни сайлаш;
15) Ўзбекистон Респуб-ликаси Табиати муҳофизат қи-лиш давлат қўмитасининг раисини сайлаш;
16) Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг Бош вазирини унинг биринчи ўрин-босари ва ўринбосарла-рини таъинлаш ва ўринбосар-дор шахсларнинг лавозим-дан овоз этилиш тўғрисида-ги Фармонларини тасдиқлаш;
17) Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг Ўзе-бекистон Республикаси Бош Прокурорини ва унинг ўринбо-сарларини таъинлаш ва ла-возимларидан овоз этиш тў-ғрисидаги фармонларини тас-диқлаш;
18) Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг тақ-дир ва ёндоқ Ўзбекистон Рес-публикаси бошқаруви раисини таъинлаш ва лавозимдан ёвдат этиш;
19) Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг наз-диклар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ва туга-тиш ҳақидаги Фармонларини тасдиқлаш;
20) Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унц узай-тириш ва тўхтатиш тўғриси-даги Фармонларини тасдиқ-лаш;
21) халқаро шартномалар-ни ратификация ва денонса-ция қилиш;
22) давлат мунофотлари ва умумийларини таъсис этиш;
(Давоми 3-бетда).

27 сентябрь Хўжа Насриддин байрами

«КУЛГИ КУНЛАРИ»ГА МАРҲАМАТ!

(Давоми. Боши 1-бетда). ҳаваскорлари ва дасталари халқимизга ажойиб куй-кўшиқларни туҳфа этишади. Энг қизғин, байрам кунини шаҳримизда «Насриддин Афанди» ҳажий кутубхонаси очилади.

тадбирни ўтказишда пахта ва ёғ экстракция заводи катта моддий ёрдам берапти. Ғолибларга «Муштум» мажалласи жамоаси томонидан 3 та ёрлик ҳам тайёрланган. «Кулги кун»га пойтахтдан бир гуруҳ танқидчи ҳам келишди ва санъаткорлар ташкилотига ҳам ёрдам берди.

ни таъминлайди. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамма кулгусевар дўстларини даврамизга таклиф этамиз. — Бундай ажойиб ва янги тадбир Бухорода, қолаверса, Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилмоқда. Келажакда унинг қамровини кенгайтириш керак эмасми? Чунки Афанди латифаларига на ерда, на кўйда чегара бор. — Тўғри айтидингиз, унинг ҳангомалари, латифалари кириб бормаган мамлакатлар кам. Шу боисдан «Кулги кунлари»ни келажакда бутун Туркистонда, керак бўлса, жаҳон миқёсига олиб

Сухбатдош: Маннон ОТАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«МЕҲМОН КУТИШНИ БИЗДАН ЎРГАНИНГ»



Айтишларча, Хўжа Насриддин ҳар гал Шопи азимга ташриф буюрганида ушбу меҳмонхонада кўним топар экан, нега? Эҳтиёт, «Чорсу»нинг донги жаҳон айлана-айлана Афандининг ҳам қулонига чалингандир...

«ЧОРСУ» САЁҲАТ КОМПЛЕКСИ РАҲБАРИЯТИ: ЎЛҚАМИЗ МЕҲМОНЛАРИЮ САЙЁҲЛАРИНИ 27 СЕНТЯБРЬ—ХАЛҚАРО САЁҲАТЧИЛАР КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.

«ЧОРСУ»нинг иш бошлаганига бу йил ўн йил тўлди. Ана шу тарихан қисқа даврда сайёҳларни қабул қилиб олиш, уларга кўнглидагидек хизмат кўрсатиш борасида катта тажриба тўплашди. «Чорсу» бугунги кунда ҳамдўстлик мамлакатлари, хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларни қабул қилувчи пойтахтимиздаги йирик меҳмонхоналардан саналади. Шинам, барча қўлайликларга эга бўлган, замонавий мебеллар билан жиҳозланган хоналарда киши ўзини эркин ҳис этади. Бу ерда юксак дидли дам олувчининг барча эҳтиёжлари ҳисобга олинган, хоҳишига кўра унга бир ёки икки кишилик номерлар берилиши мумкин. Оилавий сайёҳлар учун эса уч кишилик номер қўшимча афзалликлари билан тайёрлаб қўйилган. Ҳар бир қаватдаги мўъжизакор гўшаларда яйраб ҳордиқ чиқариш, газета ва журналлар ўқиш, телевизор томоша қилиш мумкин.

Автомашинада келганлар учун эса меҳмонхона ёнгинасида махус машина қўядиган жой бор. Дарвоқе, хорижий сайёҳлар учун меҳмонхонанинг ўзида валюта адмаштириш бўлими очилган. Саёҳат комплексининг ўзида Оврула, Осие ва Лотин Америкаси мамлакатларининг тўртта теледастурини космик телеалоқа орқали томоша қилиш мумкин. «ЧОРСУ» кўпчилик барча сайёҳларни транспорт ва хизмат кўрсатишни ўз ичига олган саёҳат дастури билан уч ва беш кунлик мудатларга қабул қилмоқда. Ҳар йили «Чорсу» саёҳат комплексига дам оладиган 60 — 70 минг атрофидаги саёҳатчиларнинг ўн фоизи хорижий меҳмонлардир. Биргина шу йилнинг тўққиз ойи ичида 40 минг сайёҳ келганию шундан 2200 таси хорижлик эканини эътиборга олсак, меҳмонхонанинг нуфузи қайдаражада баландлигини сезамиз. Меҳмонларга таклиф этиладиган саёҳат дастурлари ҳам жуда ранг-баранг. Тошкентдаги музейлари, маданий жойларни кўрмоқчилик, Самарқанд Бухорога бормоқчилик, марҳамат. Айтишларча, Тошкент денгизи, Чимён, Оқтош тоғлари ва ишқингиз тушган, мезонлар бир оғиз гапингизга илҳақ. Тунги дам олиш дастурларида янги телеминиорага, цирку театрга боришингиз, «Койнот» ресторанида тамадди қилишингиз мумкин. Фақат буларни СИЗ итисангиз ва «ЧОРСУ» саёҳат комплексига келсангиз бас. Алоқа учун «ЧОРСУ»нинг кўнгиноқлари мана бундай: 42-82-39, 42-80-46, 42-82-33.

БУХОРОЛИК ДОНИШМАНД



Ул муҳтарам зотни айни бир вақт, айни бир дақиқанинг ўзида Бухорою Самарқандда, Қўқону Хўжандда, Тошкентдаю Чимкентда... кўз юмиб очгунча фурсат ўтмайди, Ашхабоддаю Жалободда, Астрободу Бағдодда, Сусанбил ё Истанбулда, Боку ё Румда, Измиру Кашмирда кўрасиз. Чунки Хўжа Насриддин ҳазратларининг шамолдан тез учар қанотлари, нурдан-да ўткирроқ фаросатию идроки бор. Оёқ-қўли ҳаммаёққа етади, ақлу заковати қиличдек кесади. Ўқтам тили гоҳ асалдан ширин, гоҳ эса қалампирдан ҳам аччиқроқ. Олижаноб, ҳозиржавоб, Тўрага — шаҳаншоҳ, фақирга — ҳақир. Ҳа, шундай!

минора устига хўрозни ўрнатиб арафасида яқин ҳовиллардан бирида соч ювиб турган гўзал санамга устанинг нигоҳи тушиб, ошиқку беқарор бўлиб қолади. Гўзалга совчи юборади. Қиз эса шарт қўйди: уста менга етти дона тухум юборгай! Ошиқ уста: ишқ савдосининг масаласи ҳал экан-ку, деб ўйлаб, етти дона тухум бериб юборади. Гўзал тухумларни етти хил рангга бўяб, яна устага қайтаради. Ва дейди: — Уста менга аниқлаб айтсинларки, бу ранг-ранг тухумларнинг таъмида фарқ бормикан? — Тухумларнинг таъмида фарқ йўқдур, — деб жавоб қайтаради уста. — Бас, шундай экан, ўзга ранг, ўзга ҳуснага эга хотунларга кўз ташламасунлар. Менинг ўз жуфти Ҳалолим бордур, ул менга ҳаммиша ёрдур... Ҳаёнинг зўриданми ё аламининг забитиданми, уста изтиробга тушибди, минорани тарк этди. Яна орадан асрлар ўтди. Ширинликлар минорани сотиб олиб, ўз кишлоқларига қайта қурмоқчи, тепасига қанот кириб, қичқириб турган хўрозни ҳам ўрнатиб қўймоқчи бўлишди. Бироқ бу ният ҳам амалга ошмади. Яқинда мен яна Хўжа Насриддин кишлоғида бўлдим. Унинг бугунги авлодлари минорани таъмирлаб, атрофида шинамгина шаҳарча қурмоқдалар. Биноларни Хўжа Насриддин замонидаги усталар услубида қадимий ишч ва мармарлардан тикламоқдалар. Қарангчи, афсона ҳақиқатга айланмоқда. Ушбу маъсад учун Маданият ва умуминсоний қадриятлар академияси катта миқдорда маблағ ажратди. Академия президенти Тошпўлат Тоқидинов ҳам биз ҳикоя қилган минорадан сал нарироқдан кўчада тугилиб ўсган. — Оқир-оқибат минора устида Хўжа Насриддин айтган хўрозни — тонг жарчиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси урнатсак, ажаб эмас, — дейи мамнунит билан тўма ҳокими Шавкат Иброҳимов.

Лекин энг қувончлиси — Насриддин афандининг қабри топилгани экан. Албатта, бу ҳам дунё аҳамиятига эга янгиликдир. Уша тарихий тепа текислаб тозаланаётганда Хўжа Насриддиннинг сағанаси чиқиб қолди. Шу кунларда унинг теварак-атрофи тартибга солиномоқда. — Қабр рўпарасидаги бузилиб кетган дарвозани ҳам тиклаймиш. — Деди ҳоким. — Минора ёнидан тепаликка қадар йўл қураимиз. Токи ташриф буюрувчилар минорани томоша қилган. Хўжа Насриддиннинг қабрини ҳам эиберат қилсинлар. Хўрозни дарвоза устига ўрнатмоқчимиз. Азиялар, Сизларга маълум бўлсинки, республикамиз Адиллари иттифоқи ташаббуси ила Хўжа Насриддин жамияти ва жағармаси тузилди. Яқин орада, насиб қилса улуг боёбоқалониями Хўжа Насриддин ҳазратларининг ҳали қўпларга номълум ажойиб латифалари ёзиб олинми, халққа етказилади.

Орадан асрлар ўтиб, Хўжа Насриддиннинг иккинчи васияти ҳам амалга ошадиган бўлди. Аммо битаёзган

ДўСТЛАР Афанди қозилик қилиб турган кунларидан ундан сўрадилар: — Афанди, сизнинг қанча дўстингиз бор? Афанди жавоб берди: — Қанча дўстим борлигини қозиликдан тушганимдан кейин айтман.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИДАН АҲВОЛ ШУ БЎЛСА... Афанди бир кунни эшигининг олдида толқон еб ўтирган экан, шамол толқонини едирмай безор қилибди. — Ҳа, Афанди, нима еб

ўтирибсиз? — деди бир йўловчи. — Аҳвол шу бўлса, ҳеч нарса! — деди Афанди. ЭШАК УЧУН ИШЛАШ Қози Афандини беда ўрдиргани боғига олиб бориб-

ди. Иш тамом бўлгандан кейин, зинна қози Афандининг қўлига икки боғ беда бериб: — Мана, бу эшигингизга, — деди. Шунда Афанди қозига қараб: — Ажабо, мен эрталабдан кечгача ашак учун ишлабман-да? — деди.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608. Вуэртма Г-197.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖҲРАБОВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Қарим БАҲРИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азиз СУҲОН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛУГОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рама ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пирмақул ҚОДИРОВ, Саидхорр ГҲЛОМОВ.

ТАШРИҲАТГА ҲАЖМИ 7 ҚОҶОЗДАН ОШИҒАН МАТЕРИАЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАЙДИ. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.